Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 50 (7791). ● 16 март, 1982 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

БУГУН МОСКВАДА СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVII СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР Касаба союзлари XVII съезднинг делегатларини, буюк меҳнат армиясининг муносиб намояндаларини, советлар мамлакати қаҳрамон ишчилар синфининг, шонли колхозчи деҳқонларининг, халқ зиёлиларининг вакилларини қизғин ва самимий табриклайди.

Касаба союзларининг XVII съезди совет халқи КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамда Коммунистик партия, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллигини ижодий ғайрат-шижоат ва оптимизмга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олаётган тарихан муҳим бир даврда ўтмоқда.

Партия касаба союзларининг кўп қиррали ва самарали фаолиятини юксак қадрлайди, касаба союзларини Совет жамиятининг нуфузли кучи деб, ўзининг омма ўртасидаги ишончли таянчи, демократияни ривожлантиришнинг, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни жалб этишнинг қудратли воситаси, деб билади. Партия ривожланган социализм шароитларида касаба союзларининг роли ва аҳамиятини ошириш йўлини муттасил ўтказиб келмоқда.

Ўз сафларига колхозчиларнинг катта отрядини қабул қилиб, ҳозирги пайтда мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар меҳнаткашларидан 130 миллион кишини бирлаштириб турган СССР касаба союзлари минакам оммавий ташкилотга айланди, ишчилар синфи шу ташкилотнинг етакчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Социалистик жамиятда юксак синфий онг, давлат манфаатларини, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан халқ фаровонлиги даражасини ошириш тўғрисидаги қалин ўзаро алоқани равшан тушуниш совет касаба союзларига хос хусусиятлардир. Партия иқтисодий ва социал сиёсатни ишлаб чиқиб амалга оширишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда доимо касаба союзларига таянади.

КПСС Марказий Комитети Касаба союзларининг олий анжумани партия XXVI съезднинг қарорларига асосланиб бажарилган ишлар якунларини чуқур ва атрофлича кўриб чиқади, янги беш йиллик вазифаларини белгилайди, деб ишонч билдиради. Асосий вазифа съезднинг экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг қудратли ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳақидаги, иқтисодий қудратимизни янада ўстириш, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларни рўёбга чиқаришга меҳнаткашларни сафарбар этишдан иборатдир.

Касаба союзлари саноатни ривожлантиришга, озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга, капитал қурилишни ва транспорт ишини яхшилашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, хўжалик механизмини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши керак.

Иқтисодий сиёсатимизнинг ниҳоят муҳим масаласи: жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимизда мавжуд бўлган барча нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана билиш масаласини муваффақиятли ҳал этишга эришиш — касаба союзларининг шарафли ишидир. Ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнаткаш хом ашё, материалларни, ёқилғи ва электр энергиясини тежаш учун кун сайин курашаверсин, В. И. Ленининг: «Мамлакатда саноатнинг хўжайини, галланинг хўжайини, жамики маҳсулотларнинг хўжайини — бизнинг ўзимиз», деган сўзларни ёдида тутсин. Давлат ва меҳнат интизомини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва ишчанликни ошириш, ишчилар назоратини такомиллаштириш зарур.

Социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини кенг авж олдириш — қасаба союзларининг юксак бурчидир. Меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга, қўлда бажариладиган ишларни қисқартиришга, асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга кучғайратни қаратиш муҳим. Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш алоҳида эътиборга лойиқдир.

Касаба союзлари халқ депутатлари советлари билан, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари билан қалин ҳамкорликда социал масалаларни ҳал этишда яна ҳам актив иштирок этишлари лозим. Коллектив шартномаларнинг бажарилишига, меҳнат, турмуш, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш шароитлари янада яхшиланишига сабот билан эришиш зарур. Меҳнаткашларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, физкультура ва спортни, туризмни ривожлантиришга доимо эътибор берилсин, маданий-оммавий ишлар такомиллаштирилсин, меҳнаткаш хотин-қизлар, оналар тўғрисида яна ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилинсин.

Касаба союзлари социализмнинг снёсий системасида муҳим ўрин эгаллайдилар. Касаба союзлари ўз вазифаларини қанчалик активроқ бажарио, СССР Конституциясида гарантияланган ҳуқуқларидан фойдаланган тақдирда уларнинг таъсири шу қадар тўлиқ ва амалий бўлиб қолади. Ишчиларнинг йиғилишлари ва ишлаб чиқариш кенгашларининг ролини ошириш—меҳнаткашлар ташаббускорлигини ривожлантиришнинг самарали йўлидир.

Социализм ютуқлари ва афзалликларини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни ҳаётда актив позициялда туриш, партия ишига, коммунистик идеалларга астойдил садоқат, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида, ўз Ватанини ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида тарбиялаш — касаба союзларининг ғоят муҳим ишидир.

Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар олдидаги юксак масъулият касаба союзларидан ўз фаолиятининг услуб ва методларини доимо такомиллаштиришни талаб этади. Меҳнат аҳли, унинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондириш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш ишчи ўринбосарларини тайёрлаш, мураббийликни ривожлантириш доимо диққат марказида бўлиши керак.

Коммунистик бунёдкорлик ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш — бизнинг икки асосий мақсадимиздир. Партия касаба союзларининг тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстликни кучайтириш ишига қўшаётган катта ҳиссасини, социал ва миллий зулмнинг барча формаларига қарши олиб бораётган астойдил курашини қадрлайди. Империализмнинг, даставвал Америка империализмининг агрессивлиги кучайган, халқаро вазият кескинлашган бир шароитда барча мамлакатлардаги касаба союзларининг ядро уруши хавфнинг олдини олишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган биргаликдаги куч-ғайратлари тобора кўпроқ аҳамият касб этади.

Ҳеч шубҳа йўқки, Совет касаба союзлари пролетар интернационализми байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боравердилар, барча қитъалардаги меҳнаткашлар билан қардошлик алоқаларини ривожлантириб, чуқурлаштираверадилар, халқаро касаба союз ҳаракати бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлайверадилар.

КПСС Марказий Комитети XVII съезд делегатларига ишда муваффақиятлар тилайди ва совет касаба союзлари коммунистик қурилишда бундан буён ҳам партиянинг ишончли ёрдамчилари бўладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Яшасин Совет жамиятининг таъсирчан кучи — СССР Касаба союзлари!

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КЎКЛАМ—ИШ БИЛАН КЎРКАМ

● КАЛИНИН. «Москва» совхози деҳқонлари редиска сепишни тугалладилар. Х. Ҳошимов, Т. Олимжонов, Қ. Тўлибоевлар бошлиқ бригадаларда уч-тўрт гектардан ерга редиска экилди.

Бу йил хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан пландаги 200 центнер ўрнига 250 центнер редиска олишни мўлжаллашяпти.

И. ҚОСИМОВ.

● КОММУНИСТИК. Республикамиз мўл ҳосил усталарининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган «Политотдел» колхозининг А. Қурмашев бошлиқ бригадаси коллективи СССРнинг 60 йиллик юбилейи йилида ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ва 300 центнердан канап пояси етиштиришга аҳд қилди. Улар ҳозирги кунларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар. Бригадада экиш агрегатлари далага олиб чиқишга тайёрлаб қўйилган. Пахта майдонларини текислаш жадал суръатларда олиб бориляпти. Бу ишларда ёш пахтакорлар Гулсиной ва Ғавҳар Усарбоевалар кўпчиликкга намуна бўлмоқдалар.

М. ҲАСАНОВА.

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонларида шу кунларда ерларни экишга тайёрлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Айниқса, колхознинг Тошпўлат Азимжонов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари янги ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Хўжаликнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонига етиштириш учун кураш олиб бораётган бригадаси (ўнгда) бригаданинг илғор механизатори Турсунбой Зиёев. Ўрнак кўрсатмоқда. (Чапда) ерларни экишга тайёрлаш пайти.

А. Абалян фотолари.

ОБЛАСТЬ ШТАБИ ТУЗИЛДИ

Тошкент область партия комитети ҳузурида 17 апрелда ленинча коммунистик шанбалик ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш штаби тузилди. Штаб раиси — Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский.

Штабнинг биринчи ташкилий мажлисида иш плани тасдиқланди. Чирчиқ ва Янгийўлла шанбаликка тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди.

Штаб шаҳар ва район штаблари бошлиқлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг шанбаликни ўтказишга тайёргарлик ҳақидаги ҳисоботларини тинглайди, уларга зарур амалий ёрдам кўрсатади. Штаб аъзолари жойларда бўлиб, меҳнат байрамига тайёргарликнинг бориши, қизил шанбаликка бағишланган кўргазмали агитациянинг аҳволи билан танишдилар.

ШАНБАЛИККА — КОРЖОМАДА

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» бирлашмасининг тўрт мингдан ортиқ меҳнаткаши 17 апрель куни меҳнат байрамига чиқади. Бирлашма партия комитети ҳузурида ташкил этилган штаб ленинча коммунистик шанбаликни кизиштириш, конкрет программасини ишлаб чиқди. Шу куни 2900 киши бевосита иш жойларида меҳнат қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, улар 620 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу трамвай ва троллейбусларнинг кўп километрга етадиган симлари, телефон кабеллари ва юқори вольтли кабеллардир. Улар илғор ишчилар шанбаликда бир ярим— икки смена топшириғини бажариш мажбуриятини қабул қилдилар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган кишилар корхона территориясини кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. 500 га яқин дарахт кўчати ўтказиш, янги гулзорлар ва ҳиёбонлар барпо этиш, ариқ-зовурларни тозалаш белгилаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТЛАР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 1981 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни қўлайтириш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган юксак натижалар ва кўрсатилган меҳнат қаҳрамонлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларига ва партия ходимларига 13 март куни тантанали вазиятда Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Ленин ордени билан «Ўроқ ва Болға» Олтин медали Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозининг раиси А. Алимовга, Қашқадарё область Қарши районидаги «Ленин йўли» совхозининг механизатори Ш. Алматовга, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримовга, Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири В. Маҳмудовга, Андижон область Комсомолобод районидаги Мирзаҳмедов номли совхоз бригадири А. Мирзакаримовга, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзиматовга, Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Э. Рустамовга, Бухоро область Пешку районидаги «Москва» колхозининг бригадири И. Эргашевга топширилди.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партияга, Совет ҳукматига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирдилар ва бундан буён ҳам ўзларининг бутун куч, тажриба ва билимларини Советлар мамлакатининг бойлигини кўпайтириш ва қудратини мустаҳкамлашга сарфлай берамиз, деб ваъда қилдилар.

Ш. Р. Рашидов Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини сидқидилдан табриклади, бу юксак мукофотлар уларга шонли кунларда, барча совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлиқ кўраётган, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари партия режаларини шараф билан бажаришга, ватанни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди белгилаган батафсил программасини муваффақиятли амалга оширишга азму қарор берган бир пайтда топширилаётганини таъкидлаб ўтди. Мукофотланганлар бундан буён ҳам коммунизм идеалларига астойдил хизмат қилиш, социалистик ватанга садоқат намунаси бўлавришларига шак-шубҳа йўқ.

Ш. Р. Рашидов қаҳрамонларга сиҳат-саломатлик ва шахсий бахт-саодат, ўзларининг олижаноб меҳнатида, беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотларни топшириш вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

А. АЛИМОВ. Ш. АЛМАТОВ. А. КАРИМОВ. В. МАҲМУДОВ. А. МИРЗАКАРИМОВ. М. РЎЗИМАТОВ. Э. РУСТАМОВ. И. ЭРГАШЕВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча XVII чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг IX сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов очди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева КПСС XXVI съезди қарорлари асосида мактабгача болалар муассасалари тармоғини янада кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш юзасидан халқ депутатлари область Советининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Халқ маорифи бўйича область Совети доимий комиссиясининг раиси, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Хатамов шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Сессияда область судининг раиси М. М. Махсумов область судининг иши ҳақида ҳисобот берди.

Сессияда Бекобод шаҳридаги 59-цемент комбинати сайлов округидан депутат, темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи М. С. Степанов область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси раҳбарлари адресига сўров билан мурожаат этди.

Сессияда XVII чақириқ халқ депутатлари область Советининг VIII сессиясида депутатларнинг доклад ва нутқларида билдирилган танқидий фикр ва таклифларнинг бажарилишининг бориши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Антонов** нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1982 йил ҳосили учун баҳорги дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил март ойининг биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Коммунистик районига (район партия комитетининг секретари Алимов, район ижроия комитетининг раиси Ли, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Султонова, район комсомол комитетининг секретари Толипов ўртоқлар). Бу районда 1982 йил ҳосили учун кўкламги дала ишларини бажаришда юксак суръатларга эришилган ҳамда органик ўғит жамғариш ва далага солиш календарь топшириғи 147 процент, хўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш топшириғи 110 процент, хўжалик ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш топшириғи 107 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш топшириғи 119 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топшириғи 131 процент, ҳайдов тракторларини ремонт қилиш топшириғи 125 процент, пахта териш машиналарини ремонт қилиш топшириғи 136 процент, дағал озуқани майдалаш топшириғи 109 процент, похолни бўғлаш топшириғи 122 процент, сунъий сут тайёрлаш топшириғи 110 процент бажарилган.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Сабзавотчиликка ихтисослашган Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари Икромов, район ижроия комитетининг раиси Қосимов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Давронов, район комсомол комитетининг секретари Бобохўжаев ўртоқлар). Бу районда 1982 йил ҳосили учун кўкламги дала ишларини бажаришда яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Пискент ва Паркент районларида бу соҳада сусткашликка йўл қўйилаётганлигини кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Коммунистик ва Оҳангарон районларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ИТТИФОҚИ

СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР, СУҲБАТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ТЕМАТИКАСИ

СССРнинг 60 йиллиги — барча совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг байрами.

Меҳнат ва ғалабалар билан ўтган олтмиш йил.

СССРнинг барпо этилиши — Улуғ Октябрь ишининг давоми.

СССРнинг ташкил қилиниши — ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси.

В. И. Ленин — кўп миллатли Совет давлатининг асосчиси ва раҳбари.

СССР — Ватанимиздаги барча халқларнинг социалистик мамлакати.

Совет халқи — одамларнинг янги тарихий бирлиги.

КПСС — совет халқининг авангарди.

Партиянинг кучи — халқ билан бирликдадир.

Халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир.

Марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализмининг буюк ўзгартувчилик кучи.

КПСС — ленинчи интернационалистлар партияси.

КПСС XXVI съезди СССР халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида.

КПСС миллий масалага оид Ленин таълимотини ижодий ривожлантирмоқда.

Л. И. Брежнев Ватан ҳақида, халқларнинг интернационализми ва дўстлиги ҳақида.

СССР Конституцияси — ленинча миллий сиёсат принципларининг ифодаси.

Ривожланган социализм — СССРдаги барча халқларнинг тарихий ғалабаси.

Совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги.

Давлат омманинг онглилиги билан кучли.

Ишчилар синфи — халқларни интернационализм руҳида жипслаштиришнинг етакчи кучи.

Ривожланган социализм шароитида миллий муносабатларнинг ривожланиши.

СССРнинг 60 йиллиги — социалистик интернационализм байрами.

СССР халқларининг дўстлиги — омма ижодкорлигининг қудратли манбаи.

СССР миллатлари ва элатларининг тобора ўзаро яқинлашуви.

Яхлит халқ хўжалиги комплекси — СССР халқлари дўстлигининг моддий асоси.

РСФСР — тенг ҳуқуқли республикалар орасида тўнғич республика.

Бизнинг республикамиз XI беш йилликда.

Москва — Совет Иттифоқининг пойтахти.

БАМ — умумхалқ қурилиши.

Ғарбий Сибирь Ватанга хизмат қилмоқда.

Ноқоратупроқ ўлкани обод қилиш — СССРдаги барча республикаларнинг иши.

Бизнинг коллективимиз — улуғ кўп миллатли қардошликнинг таркибий қисми.

Коллективимизнинг интернационал алоқалари.

Биз ленинча дўстлик билан кучлимиз.

КПСС социал сиёсатининг умумхалқ характери.

Партиянинг халқ бахт — саодати тўғрисидаги ғамхўрлиги.

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун.

Яхшироқ яшаш учун — кўпроқ ва яхшироқ ишламоқ керак.

Совет фанининг муваффақиятлари.

Миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва бир-бирини ўзаро бойитиши.

Рус тили — халқлар улуғ қардошлиги тили.

Биз — совет халқимиз.

Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз.

Социалистик демократиянинг афзалликлари.

Одамларга эътиборли бўлиш — ленинча иш услубининг муҳим белгиси.

Социалистик турмуш тарзи — совет халқларининг буюк ютуғи.

Совет давлати — меҳнаткашлар ҳокимияти.

Халқ депутатлари Советлари — СССРнинг сиёсий асоси.

Совет касаба союзлари — меҳнаткашларнинг нуфузли оммавий ташкилоти.

Ленин комсомоли — ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш мактаби.

Совет Армияси — халқлар дўстлиги армияси.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — СССР ҳар бир гражданининг муқаддас бурчи.

СССР ташкил этилганлиги ва муваффақиятли ривожланаётганлигининг халқаро аҳамияти.

Жаҳон социалистик системасининг ривожи.

Қардош социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги.

СССР ташқи сиёсатининг тинчликсевар, интернационалистик характери.

Ҳозирги империализмнинг халққа қарши моҳияти.

80-йилларнинг Тинчлик программаси — амалда.

Империализмнинг агрессив муддаоларига — қаттиқ зарба.

Капитализм шароитида миллий зиддиятларнинг кескинлашуви.

Совет Иттифоқи — тинчлик, мустақиллик, социал тараққиёт учун курашда халқларнинг суянган тоғи.

Совет Иттифоқи — эски ва янги мустамлакачиликка қарши, ирқчиликка қарши изчил курашчи.

Миллатчилик — империализм қўпорувчилик фаолиятининг қуроли.

Совет кишиларининг революцион хушёрлигини, уларнинг синфий онглилигини оширайлик.

Меҳнат аҳлининг гўзаллиги ва улуғлиги.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга кўпроқ ҳисса қўшайлик.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш — умумхалқ вазифаси.

Чорвачилик — зарбдор фронт.

Бутун кучни ишга солиб, самарали ва сифатли ишлаш — биснинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз.

Хом ашё, материал, электр энергия, ёқилғини тежаб тергаб сарфлайлик.

Камчиликларга қарши қатъият билан курашайлик, меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик.

XI беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик!

1982 йил топшириқларини тўла ва ошириб бажарамиз.

Юбилей йилининг ҳар кунини зарбдор ижодий меҳнат билан нишонлаймиз.

КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!

СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз!

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

ДИРЕКТОРНИНГ САФДОШЛАРИ БОР

Григорий Бугров — Тошкент агрегат заводининг энг яхши слесарларидан бири. Доимий ишлаб чиқариш кенгаши аъзоси бўлган бу ишчи шу кенгашнинг роли ҳақидаги суҳбатда бундай деди:

— Бизнинг кенгашимиз — бу коллектив ақл-идрокидир. Кенгашда кўриб чиқиш учун қандайдир масала қўйилларкан, демак, бу уни ҳал қилиш ҳақида бутун коллектив фикр юритаётганлигини кўрсатади. Натижада албатта энг яхши йўли топилади. Топилибгина қолмай, ҳар томонлама асосланади, ижро учун қабул қилинади.

Доимий ишлаб чиқариш кенгаши заводда катта обрўга эга, у коллектив ижодий имкониятини ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга моҳирона сафарбар этади. Бугун кўпчилик маҳсулот сифат белгиси билан чиқарилаётган, завод бўйича механизация даражаси 80 процентдан ошиб кетган экан, бунда доимий ишлаб чиқариш кенгашининг анчагина хизмати бор.

Ҳозирги вақтда завод маҳсулоти ўзининг пухталиги билан кўпгина қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарига машҳур. Агрегат заводи турли редукторлар билан бутун пахтачилик машиналари комплексини, бошқа буюмларни таъминлайди. Корхона коллективи ташаббуснинг ҳақиқий генератори сифатида камол топди ва мустаҳкамланди. Қимматлироқ фикрларнинг бир қисми худди шу цех доимий ишлаб чиқариш кенгашлари орқали амалга оширилади.

Бу ишларга умумзавод кенгаши бош-қош. Унинг составидагиларнинг учдан икки қисмини ишчилар, барча асосий цехлар, бўлимлар ва хизматлар раҳбарлари ташкил этади. Аввало улар ишлаб чиқариш илғорларидир, улар ҳақида умум иши учун «жон-дилидан қайғурувчилар» дейишади.

Мана доимий ишлаб чиқариш кенгашининг айрим энг актив аъзолари: инженерлар Ю. Верешчагин ва Э. Тен, бригадир В. Ульман, слесарлар М. Павловец, Х. Ҳакимов, П. Блинков, В. Сотиболдиев; В. Самарин ва бошқалар. Уларнинг кўпчилиги, айниқса хизматлар раҳбарлари, хизмат бурчи юзасидан ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган ўша тадбирларни амалга ошира олмасмидилар? деган савол туғилади. Чунки, бу уларнинг бевосита вазифалари-ку!

— Хизматнинг ўз йўли билан ҳаракат қилиши бошқа масала,—дейди ўша Бугров, — унинг иши кенгашда, кўпчилик нигоҳи олдида кўриб чиқилиши тамомила бошқача масаладир. Шундай бўлганда уларнинг ҳар бири муҳокамага қўйилган масалаларни ҳал қилишга нисбатан кўпроқ масъулият ҳис қилади.

Масалан, завод меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига мурожаат қилди. Умуман, уни ҳал қилишнинг асосий йўли механизация ва автоматизация туфайли меҳнат унумдорлиги ортишида эканлиги ҳаммага аниқравшан маълум. Лекин буни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш мумкин? Масалани доимий ишлаб чиқариш кенгаши муҳокамасига қўйишди.

Кенгаш президиуми, у ҳам доимий, кун тартибини бир ярим ой илгари эълон қилди. Кенгашни тайёрлаш бўйича умумзавод комиссияси, ҳар бир цехда ўз группалари тузилди. Улар масаланинг моҳиятини тушунтиришдилар, шу ҳақда ўйлаб кўришни таклиф этдилар. Сўнгра таклифларни тўплашди.

Кенгашга қанчалик оз вақт қолса таклифлар шунчалик кўп туша бошлади. Улар анчагина йиғилди. Таклифларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмади. Унинг ҳар бири белгиланган тадбирларнинг ажралмас қисми бўлиб кирди ёки ҳисобга олинди (узоқ истиқболга мўлжалланган таклифларни).

Доимий ишлаб чиқариш кенгаши мажлисларида планлаштириш ва корхонани техник қайта ускуналаш, унинг цехлари ва участкаларини мутаносиб ривожлантириш ҳақидаги масалалар вақти-вақти билан муҳокама қилинади. Уларнинг ҳаммаси амалий натижалардан ташқари чуқур тарбиявий мазмунга ҳам эгадир. Ишчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш, мустақил ижод қилишга бўлган қобилиятларини ривожлантиради.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган 600 тадбирнинг жорий қилиниши — кенгаш иштирокчилари куч-ғайратининг конкрет самарасидир. Бунинг натижасида 400 киши ёки ишчиларнинг учдан бир қисмига яқини кўл меҳнатидан халос бўлди. Улар янги участкаларга ўтказилди. Маҳсулот тайёрлашнинг бутун ўсишига, бу ўсиш ҳар йили ўрта ҳисобда 10 процентни ташкил этмоқда, ишчи-хизматчилар сонини анча камайтирган ҳолда эришилди.

Ҳозирги вақтда заводдаги бутун ишлаб чиқариш жараёни комплекс механизациялашган потокдан иборат. Ишларнинг кўпчилик қисми ўз кучлари билан амалга оширилмоқда.

Агрегат заводи коллективининг намунаси ягона эмас. «Ташсельмаш» заводи доимий ишлаб чиқариш кенгаши партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарлигида ўз хўжалигининг ривожланишини марказлаштирмоқда. «Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини жорий қилиш» масаласи кун тартибига кўйилган кенгашда тавсиялар ишлаб чиқилди, бу тавсиялар бригада ва бригадир, бригада кенгаши ва бригадирлар кенгаши ҳақидаги низомнинг негизи бўлди. Маъмурият инженер-техник ходимлар, мастерлар, нормаловчилар билан амалий машғулотлар ўтказди.

Навбатдаги мажлисда янгича ишлашнинг дастлабки ойлари тажрибаси ўзаро алмашилди. Кенгаш кенгайтирилган қарор қабул қилди. Ана шу қарор асосида завод директорининг буйруғи чиқарилди, завод касаба союз комитетининг қарори қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда «Ташсельмаш» заводида ишловчиларнинг ярмидан кўпроғи бригадаларга жалб қилинган. Комплекс бригадалар қатори йиғма бригадалар тузилди. Бу бригадаларга ёрдамчи ишчилар ҳам кириштилди. Кўп станокка хизмат кўрсатиш зоналари кенгайтирилди, ишчилар ўз малакаларини муваффақиятли оширмоқдалар. Йигув цехида ишчиларнинг 90 процентга яқини бригада формаси билан қамраб олинган. Бу ерда бригадалар ишда юксак самарадорлик кўрсатмоқдалар, меҳнат унумдорлигини 18 процент оширишди.

Бригаданинг йиғма характери. Унинг маъноси нимада? Бундай бригада бир йўла ҳамма уч сменани бирлаштиради. Сменалар орасида вақтнинг йўқотилиши бартараф этилади, станокда ишлов берилаётган «ўз детали», асбобини олиш учун зарурият қолмайди. Анъанавий равишда вақтбай ишловчилар ҳисобланган ремонтчилар, энергетика хизмати меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига тўла ўтдилар. Улар тўла ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш принципи бўйича ягона наряд асосида ишлаб, ишни ташкил этишни яхшилаш, ҳар бир ишчининг бутун бригада иши натижасига нисбатан масъулиятини ошириш ҳисобига меҳнатда юксак натижаларга эришдилар. Ремонтчиларнинг айби билан машина-механизмларнинг бекор туриб қолиши кескин камайди. Ҳар бир ремонтчининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 20 процент ошди. Йиллик маош фонди 60 минг сўм бўлган 57 слесарь озод қилинди. Шунча маблағни тежаш имкони туғилди.

Тошкент областининг кўпгина корхоналарида доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ишлаб чиқаришни ижтимоий бошқаришнинг актив формаси, директорларнинг коллектив сафдошлари бўлиб бормоқда. Бу ишчилар ва мутахассисларнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг бажарилиши ҳақида хўжайинларча қайғураётганликлари, тузимимизнинг ҳақиқий демократизмидан далолат беради.

В. ЛОМОВЦЕВ,
«Ташкентская правда» газетасининг ходими.

(«Правда» газетаси, 12 март).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

● ХАБАРОВСК. Вертолетларга тушган овчилар Уссури тайгасидан давлат хўжаликлари ва мўйна хўжаликларининг марказий базаларига қайтиб келдилар.

Овчилар тайгада беш ой мўйнали ҳайвон, қуш, ёввойи ҳайвонларни ов қилдилар. Мўйнанинг ўзидан 800 минг сўмликдан кўп тайёрланди. Табиатни муҳофаза қилиш чоралари туфайли ов қилинадиган жойлар йилдан йилга бойиб бормоқда.

* * *

● КАЛУГА. Калуга машинасозлик заводида материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан рационал фойдаланиш билан шуғулланувчи комиссия самарали тежамкорлик мактаби бўлиб қолди. Областда тежамкорлик мусобақасига бошчилик қилган машинасозлар бултур 260 тоннадан кўп металл, 1,5 миллион киловатт-соатдан кўп электр энергиясини тежаднлар. Ҳозир корхонанинг битта цехи тежалган материаллар билан ишламоқда, дейиш мумкин.

* * *

● ЛЬВОВ. Львов мотозаводининг конвейеридан янги «Карпати» мопедлари туша бошлади. Уларнинг мотори бундан аввалги моделларга нисбатан тежамли қилинган, товуш сўндиргич конструкцияси такомиллаштирилган. «Карпати» асосида бир қанча спорт мопедлари ва туристик мопедлар вужудга келтириляпти.

* * *

✦ ОРЕНБУРГ. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Орск-Халиловск комбинатининг комсомоллари «Орамизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилишяпти. Ёш металлургларнинг пландан ташқари бир неча минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Суратда: корхонанинг илғор комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари.

* * *

● ҚУРҒОНТЕПА (Тожикистон ССР). «Москва» колхозининг марказий қураси — Интернационал қишлоғида очилган виставкада Тожикистоннинг Вахш районидаги бу колхозининг бутун тарихи акс эттирилган. Виставка СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Бундаги экспонатлар колхозчиларнинг бахтиёр ҳаёти ва эркин меҳнати тўғрисида, ўлкани ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳикоя қилади. Колхозчилар орасида ўн саккиз миллат вакили бор.

* * *

● УСИНСК (Коми АССР). Приполярьеннинг ана шу поселкасида қурилган аэровокзал биринчи пассажирларни қабул қилди.

Усинск билан Украина, Белоруссия, Татаристон, Бошқирдистон шаҳарлари ўртасида бевосита ҳаво йўли очилган. Иттифоқдош ва автоном республикалардан геологлар, қудуқ қавловчилар, монтажчилар шимолий ўлкага келишмоқда. Улар Коми АССР нефтчиларнинг ўлканинг ер ости бойликларини ўзлаштиришда ёрдам бермоқдалар.

(ТАСС).

* * *

✦ ЭСТОНИЯ ССР. М. И. Калинин номидаги Таллин электротехника заводи ва заводнинг илмий-тадқиқот институти мутахассислари ярим ўтказгичли вентилларни синашнинг автоматлаштирилган системасини яратдилар. Янги система 30 дан ортиқ операторнинг вазифасини бажара олади. Суратда: янги система ижодкорлари.

(ТАСС фотохроникаси).

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ДАЪВАТКОР СЎЗ БИЛАН

ДАВРА СУҲБАТИ

Мусобақанинг шонли анъаналари кўпайтирилсин, ҳар бир меҳнат коллективида янги резервларни ижодий равишда қидириб топиш, ўртоқларча ўзаро ёрдамлашиш, маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқлар ва олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун юксак масъулият... муҳити вужудга келтирилсин.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан.

ПАРТИЯ таълими, иқтисодий ўқувнинг сифати ва самарадорлиги жуда кўп омиллар билан ўлчанади. Аммо, улар энг аввал, тингловчиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигининг ошиши билан белгиланади. Областимизда «Пропагандист — беш йилликка» ватанпарварлик ҳаракатида фаол ва самарали қатнашаётган энг яхши пропагандистларнинг куч-ғайратлари ҳам биринчи навбатда ана шунга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида чиқарган қароридаги назарий қонда ва хулосаларни тўлароқ ва чуқурроқ ёритиб бериш, тингловчиларнинг бўлажак юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақага актив қўшилишларига кўмаклашиш тарғиботчиларнинг энг муҳим вазифасидир.

Область партия комитети сиёсий маориф уйида ўтказилган область пропагандистлари давра суҳбати худди ана шу мавзуга бағишланди.

Сўз давра суҳбати қатнашчиларига:

* * *

В. МОГИЛЬНИКОВА,

Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари:

«ПРОПАГАНДИСТ — беш йилликка» ҳаракатида фаол қатнашиш сиёсий мактаблар, иқтисодий таълим мактабларининг раҳбарлари учун чинакам ғоявий мураббийлик хизматини ўташи даркор. Тарғиботчиларимиз шахсий ижодий планлар асосида ишлаб, машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини тобора оширмоқдалар, ўрганиладиган мавзуни меҳнат коллективларининг ҳаёти, амалий ишлари ҳамда вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб бориб, шу асосда социалистик мусобақани ривожлантиришга кўмаклашишни ўзларининг биринчи даражали бурчлари, деб ҳисоблямоқдалар.

Ўтган ўқув йилининг ўзидагина тарғиботчиларимиз тингловчиларга жами 712 шахсий социалистик мажбуриятни ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан асослаб беришда яқиндан ёрдам бердилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик мусобақаси билан мазкур ўқув йилида бу ишнинг миқёслари янада кенгайди.

Г. М. Мингалимов, Н. С. Шокиров, Б. Е. Бреньков, В. Г. Шечка каби кўпгина пропагандистлар сиёсий ва иқтисодий таълимнинг меҳнат коллективлари амалий ишларига таъсирини кучайтириш мақсадида илғорлар, ишлаб чиқариш новаторлари тажрибасини ўрганиш ва жорий этишга жиддий аҳамият бермоқдалар. Жумладан, бизда проходкачилар бригадасининг бошлиғи В. А. Кольцов, Қазмоқ-кони пармаловчилар бригадасининг бошлиғи Н. К. Иевлев, Саричек кони экскаватор машинисти А. Ф. Полухин, мис эритиш заводи қуювчиси Т. Х. Геров, кўрғошин заводи катодчиси О. А. Пирогов каби социалистик мусобақа илғорларининг тажрибаси кенг ёритилди ва тарғиб қилинди.

●

Г. В. ҲАЙДАРОВА,

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари, иқтисодий таълимга кўмаклашиш кенгаши раисининг ўринбосари:

БАРЧА совет кишилари каби бирлашмамиз ходимлари ҳам КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг юксак сиёсий онглилиги, уларнинг партия режаларини амалга оширишга карор берганликлари ватанпарварлик ташаббусларида, социалистик мусобаканинг кенг қулоч ёйётганлигида яққол кўринмоқда.

Партия ва касаба союз ташкилотларимиз КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, маъмурият билан биргаликда иқтисодий таълим сифатини яхшилаш, унинг илмий-техникавий, иқтисодий ва тарбиявий ролини ошириш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. 1981—82 ўқув йилида ишчилар «Тежамкорлик — коммунистик хислат», инженер-техник ходимлар «Тежамкор экономика» деб аталган янги курсларни ўргана бошладилар. Бирлашма иш натижалари асосида ҳар ойда иқтисодий маълумотнома чиқарилмоқда, бу пропагандистларга жуда қўл келмоқда.

Масалан, 3-цех тарғиботчиси М. В. Гончаров цех, смена ва участкаларга оид маълумотларданигина эмас, балки бутун корхона фаолиятига оид маълумотлардан жуда яхши фойдаланади. Шу тарика у ёки бу мавзу цех ва умуман, корхона фаолияти ҳамда вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ишлаб чиқариш экономикасини ўрганиш, цех фаолиятига оид конкрет материалларни машғулотларда таҳлил этиш смена ва цех коллективи ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. М. В. Гончаров сменаси бирлашмада биринчи бўлиб 1981 йил социалистик мажбуриятларини бажарди ва планга қўшимча равишда кўплаб миқдорда аммиак селитраси ишлаб чиқарди. Бунда бир неча ўн минг киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди. А. Сафаралиев пропагандистлик қилаётган аммиак ишлаб чиқариш мактабида ҳам қизиқарли тажриба тўпланган.

Бирлашмада «Пропагандист — беш йилликка» ҳаракатини кенг ёйишга катта эътибор берилмоқда. Юздан ортиқ пропагандист — коммунистик меҳнат мактаблари ва иқтисодий ўқув машғулотларинир раҳбарлари — шахсий ижодий планлар бўйича иш олиб бормоқдалар. Пропагандистлар марксча-ленинча назарияни пухта ўрганиш билан бир қаторда ўз тингловчиларига СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига янги социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва уларни бажаришда кўмаклашмоқдалар.

●

Г. А. АСЕДОВА,

Янгийўл район партия комитети сиёсий маориф кабинетининг мудири:

ЯНГИЙЎЛ район партия ташкилотлари ғоявий-сиёсий ишни ўн биринчи беш йилликда меҳнат коллективлари олдида турган вазифалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бормоқдалар. Бизда пропагандистлар энг билимдон, тажрибали кишилардир. Пропагандист кадрлар ўқувига ҳам катта эътибор берилаяпти. Юздан ортиқ тарғиботчи область партия комитети Сиёсий маориф уйида ташкил этилган курсларда ўқиди, қолганлари эса район партия комитети ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги семинар машғулотларида қатнашди.

Энг илғор пропагандистлар иш тажрибасини умумлаштириш ҳамда ёйишга катта аҳамият беряпти. Сиёсий маориф кабинетининг методика кенгаши уларнинг ҳисоботларини тингламоқда, очиқ дарслар ўтказишда уларга кўмаклашмоқда.

Бир-бирига турдош ташкилотлардаги пропагандистлар иш тажрибасини умумлаштириш ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан, у ёки бу турдош ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илғор тажриба, ватанпарварлик ташаббусларини ёйишда таъсирчан методлар қўлланилмоқда. Масалан, қурилиш ташкилотлари пропагандистларининг бригада пудратини тарғиб ва жорий этиш соҳасидаги иш тажрибалари умумлаштирилди.

«Ҳар бир тингловчи жамоатчилик топшириғига эга бўлсин» шиори остида иш олиб бораётган пропагандистларнинг ташаббуси тобора кенг ёйилмоқда. Масалан, Ленин номли колхозда марксизм-ленинизм асослари бўйича ташкил этилган уч мактабдаги ҳамма тингловчи коммунистлар жамоат топшириғини бажармоқдалар.

●

М. МИРЮСУПОВ,

Паркент тикувчилик фабрикасининг пропагандисти:

МЕҲНАТКАШЛАРНИ коммунистик руҳда тарбиялашда биз, пропагандистлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Мен ҳам ўз тингловчиларимда касблари учун фахрланиш туйғусини, ўз ишларига ижодий ёндашишни тарбиялашга интилмоқдаман. Тингловчилар билан машғулотларда ва иш жараёнида мулоқотда бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ошиб бораётганлигини кўриб қувонаман.

Чеварларга ўз шахсий планларини тузиб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш ҳам яхши самара бермоқда. Бундай планлар коммунистик тарбиянинг, меҳнаткашлар активлигини оширишнинг таъсирчан воситасидир.

Тингловчиларга берилаётган амалий топшириқлар ҳам ана шу вазифага бўйсиндирилмоқда. Биз ҳар бир машғулотда уларнинг бажарилишини муҳокама қиламиз, у ёки бу иқтисодий масалани конкрет мисолларда ёритишга интиламиз. Тингловчиларим ана шундай топшириқларни жон-диллари билан бажармоқдалар. Албатта, ҳар бир тингловчининг билим савияси, қизиқиши ҳисобга олингандагина амалий машғулотлар самарали ўтади.

Масалан, «Ҳар бир иш ўрнида ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш» мавзуини ўрганишда Саида Тошматовадан ўз иш тажрибасини таҳлил қилиб беришни сўрадим. У буюмларни қайта ишлашнинг янги методларини пухта ўзлаштирганлиги сабабли кейинчалик бошқа чеварларни ҳам ўз иш услубига ўргатди. Бу эса участкада меҳнат унумдорлигини қарийб 10 процент кўпайтириш имконини берди, чеварлар илгари қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Бу ҳам амалий топшириқнинг муҳим самараси бўлди.

●

В. Н. ТИМОШЕНКО,

«Миконд» заводининг пропагандисти:

ҲАР бир тингловчининг кундалик меҳнатидан хабардор бўлиб туриш, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасидаги аҳволни билиш тарғиботчи учун айниқса зарурлигини ўз иш тажрибамдан биламан. Баъзан шундай бўладики, у ёки бу участкада меҳнат маромининг маълум вақтгача издан чиқади, у ёки бу деталлар бракка чиқарилади. Ана шундай ҳолларда мен машғулотларда худди ана шу салбий ҳодисаларнинг сабабларини таҳлил қилишга алоҳида аҳамият бераман.

Ўтган йилнинг охирида машғулотлардан бирида ўн биринчи беш йиллик биринчи йилида цех ишининг якунлари муҳокама қилинди, ҳар бир тингловчининг йиллик топшириқларни бажаришга қўшган ҳиссаси таҳлил этилди. Тингловчилар ютуқларни тилга олиш билан бир қаторда ишдаги камчиликларга танқидий муносабатда бўлдилар, шу камчиликларни бартараф этиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар, янги-янги резервларни ишга солиш тўғрисида таклифлар билан чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан тўла-тўкис фойдаланишга эришиш имконини берди.

Шу йил бошида мен ўз тингловчиларимга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 1982 йил учун социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқишда ва уларни иқтисодий жиҳатдан асослашда кўмаклашдим. Эндиликда улар ана шу мажбуриятлар асосида меҳнат қилмоқдалар.

* * *

ШУНИНГДЕК, давра суҳбатида Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг пропагандисти Х. ХУЖАМҚУЛОВ, Ўзбекистон металлургия комбинатининг пропагандисти С. А. ГИЗАТУЛЛИНА ўртоқлар ўз иш тажрибалари тўғрисида сўзлаб бердилар. Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда ташкил этилган марксизм-ленинизм мактабининг тингловчиси Ш. ВАЛИЖОНОВ хўжаликда партия ўқуви қандай ташкил этилганлиги ҳақида гапирди. Бу ерда партия XXVI съезди материалларини чуқур ўрганиш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш машғулотларнинг бош мазмунини белгилаб бермоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ана шу шонли сана шарафига янги социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Область партия комитети сиёсий маориф уйи методика кенгашининг ранси, ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати П. Д. РАСКАЗОВ давра суҳбатига якун ясаб, шуни таъкидладики, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори жуда катта сафарбарлик кучига эга бўлган ҳужжатдир. Мазкур ҳужжат ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик ва интернационал тарбия ишларини янада яхшилашга кўмаклашади, социализмнинг тарихий афзалликларини, жуда мураккаб социал, сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги оламшумул ютуқларни ёркин далиллар асосида тарғиб қилиш имконини беради, шу асосда кенг меҳнаткашлар оммаси меҳнат ва сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашади. Ана шу кенг имкониятлардан конкрет тарғибот ишларида фойдаланиш, машғулотларда олинган билимлар чуқур эътиқодга айланиши учун курашиш ҳар бир пропагандистнинг фахрли бурчи ва вазифасидир.

РАИС

НАРИМОНОВ шаҳридан ўтишингиз билан Тўйтепага борадиган йўлнинг чап ёнида бирин-кетин қад ростлаётган шинам уйлар диққатингизни ўзига тортмай қолмайди. Улар — Ўрта Чирчик районидаги Охунбобоев номли колхозда барпо этилаётган хўжалик бош посёлкаси қалдиргочлари. Бу шинам уйларга кирсангиз ҳавасингиз келади. Ҳар бир хонадонда қишлоқ меҳнаткашлари шаҳарликлардек турмуш кечиришлари учун барча қулайликлар мавжуд.

Посёлкада ҳали янги-янги турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилади. Бироқ, посёлканинг ҳозирги чиройи ҳам мафтункор. Унга хўжалик экинзорлари келиб туташгани рамзий маъно касб этади. Колхоз пахта ва канопдан, шолидан юқори ҳосил олаётганлиги, чорвачилик юксалиб бораётганлиги учун мўмай даромад қилаяпти, ана шундай улкан қурилишларга қўл уришга қудрати етяпти.

...1958 йилда Охунбобоев номли колхоз аъзолари Миразиз Рўзиматовни раисликка сайлашди. Бу коллектив хўжалик тузилгандан бери унга 40 дан кўпроқ киши раислик қилган эди. Йил ўтар-ўтмас раисларнинг алмашиб туриши, колхозни ночор аҳволга солиб қўйганди. Бу ерда пахта ҳосилдорлиги аранг 15—16 центнерга етар, хўжалик давлатдан миллионлаб сўм қарздор бўлиб қолганди.

Миразиз ака раисликка сайлангунга қадар 19 йил машина-трактор станциясида механиклик қилган, партия ташкилоти секретари қилиб сайланган эди. Ҳаёт тажрибаси унга энг аввало хўжалик активлари, уста деҳқонлар, колхозчилар билан маслаҳатлашиб иш кўриш лозимлигини кўрсатарди. Ахир, маслаҳатли тўй таркамас, деганлар. Шунинг учун Миразиз ака раис қилиб сайлангандан сўнг 3—4 кун ўтгач, яна йиғилиш чақирди. Бунгача у колхоз далаларини бирма-бир айланиб чиққан, бригада бошлиқлари, мутахассислар билан суҳбатлашиб, бригаликда ҳар бир техника воситасини хўжалик ҳисобига ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишди. Бунинг учун ҳамма техника воситаларининг йил давомида бажарадиган иши аниқлаб чиқиладиган, уларга сарф-харажатлар бу миқдордан ортиқ бўлса, кўрилган фойданинг 75 процентигача механизаторларга устама мукофот сифатида тўланадиган бўлди.

Шундан кейин колхоз механизаторлари ва шофёрлари бу янгиликдан хабардор қилиндилар. Тракторчилар буни қизиқиб эшитишди-ю, унинг бирор натижа беришига ишонқирашмади. Аммо, йил охирида ҳисобкитобларга кўра ўзига бириктирилган тракторни унумли ишлатиб, кам харажат қилган механизаторларга устама мукофот тарқатила бошланганда кўпчилик ўйланиб қолди. Яна икки-уч йилдан сўнг Миразиз ака техника воситаларига эҳтиёт қисмлар етишмаслиги тўғрисидаги шикоятларни камдан-кам эшитадиган бўлди. Раис ваъдасига вафо қилиб колхозчилар меҳнат кунига ҳақ тўлаш учун ҳам маблағ топа олди.

М. Рўзиматов раис қилиб сайланган биринчи йили хўжаликда ҳар гектар ердан 18 центнердан пахта ҳосили олинди. Бу қолоқлик ботқоғидан улкан довонлар учун қўйилган дастлабки одим эди. Янада муҳими, колхозчилар раисга, у таклиф қилаётган тадбирларнинг оқиллигига ишона бошлашди.

— У пайт билан колхознинг ҳозирги кўрсаткичларини таққослаб бўлмайди,— дейди Миразиз ака. — Масалан, ўтган йили 1155 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан хирмон кўтардик. 700 гектар канопзордан эса рекорд даражада — 238 центнердан ҳосил олиб, давлатга 16,6 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё топширилди. Колхоз даромади ҳам 5 миллион сўмдан ортиб кетган.

Колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда раис бу миллионлаб сўмларни жуда тежаб сарфлашади. Нега йилдирки, хўжалик ғоят зарур бўлган техника воситаларинигина ҳарид қилади. Ҳозир ҳам машина-трактор паркида 1951 йилда чиқарилган тракторларни, юк автомашиналарини учратасиз. 15—20 йилдан фойдаланиб келинаётган трактерлар эса бесаноқ.

— Ўтган йили кеч кузда колхозимизга тожикистонлик дўстларимиз келишга эди,— ҳикоя қилади Миразиз ака. — Улар машина-трактор паркимизни кўздан кечиришмоқчи бўлишди. Меҳмонлар бўёқлари ярақлаб турган пахта териш машиналарини кўриб, таажжубга тушдилар. Улардан бири ҳатто, «Нима буларни янги ҳарид қилдингларми, ёки ишлатмайсизларми», деб ҳам сўраб қолди. Мен етиштирилган пахтамизнинг 3900 тоннасини шу машиналарда тердик, десам ишонмай кулимсираб қўйишди. Чунки машина терими тугаганига энди 5—6 кун бўлган эди. Терим агрегатлари эса тозалаб, ювилиб, мойланиб, сафга тизилган ҳолда турарди. Меҳмонларимизга техникани хўжалик ҳисобига ўтказиш соҳасидаги тажрибамизни батафсил гапириб беришга тўғри келди.

Миразиз ака хўжаликда алмашлаб экишни тўла жорий этиш учун ҳам қатъий кураш олиб борди. Колхоз шароитлари ҳисобга олиниб, алмашлаб экишда каноп ва шоли экинларидан ҳам фойдаланилди. Колхознинг алмашлаб экиш бўйича республика социалистик мусобақаси голиби, деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги бу тажриба самарасини кўрсатиб турибди.

Чорак асрдан бери хўжаликка раҳбарлик қилиб келаётган Миразиз ака омилкорлиги, уста деҳқонлиги, колхозчиларга меҳрибонлиги ва камтарлиги туфайли ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Раис кетма-кет мажлислар чақиришни ёқтирмайди. Бунинг ўрнига ҳар куни далалари бирма-бир айланиб чиқади. Деҳқонлар ва чорвадорлар билан иш бошида суҳбат қуради. Бундай пайтларда у ҳар бир колхозчининг гапларини диққат билан тинглайди. Кайфиятини, турмушини эринмай суриштиради. Улардан доимо ёрдамини, ширин сўзини аямайди.

Миразиз ака хўжалик аъзолари ҳам умум иш учун куч-гайратларини, вақтларини аямасликларига кўп марта гувоҳ бўлган.

Бундан бир неча йил илгари бахор серёғин келиб, пахта далаларини бегона ўт босиб кетди. Улар орасида нимжон гўза ниҳолларини илгаш қийин эди. Кўчатларни сақлаб қолиш учун уларнинг ҳар тупи атрофини қўлда ўтдан тозалаб чиқиш зарур эди. Бунинг устига ипак қурти боқиш мавсуми энг қизғин паллага кирган.

Раис қишлоқдаги ёшу-қариг мурожаат қилиб, улардан ўтоққа ҳашарга чиқишни илтимос қилди. Ҳеч ким раиснинг сўзини ерда қолдирмади. Бир неча кун ичида пахта далалари бегона ўтлардан батамом тозаланиб, яна эгатларда гўза ниҳоллари яшнаб кетди.

— Бу сабоқ бизга кўп нарсани ўргатди, — дейди Миразиз ака. — Айниқса, далаларни экишга текис қилиб тайёрлашга катта эътибор берадиган бўлдик. Бунинг учун ишни шудгорлашни сифатли ўтказишдан бошлаймиз. Баъзи механизаторлар сон кетидан қувиб, уч корпусли плугларнинг камров кенглигини 1—1,2 метр қилиб ўрнатадилар. Оқибатда плугларда агдарилган тупроқ қатламлари бир-бирига етмай, улар орасида ариқчалар пайдо бўлиб колади.

Қишда ёғингарчилик кўп бўлса, сув шу ерда тўпланади, бошқа жойларда нам яхши сақланмайди. Бунинг устига баҳорда бу пайкалларни текислаш учун қанчадан-қанча ортиқча меҳнат, сарф-харажат қилишга тўғри келади. Колхозимизда плугларнинг қамров кенглиги 90 сантиметрдан ошмайдиган қилиб ўрнатилади. Бу ҳолда агдарилган тупроқ қатламлари бири иккинчисининг устига тушади. Кўкламда икки марта бороналаш ўтказиб, чигит экаверамиз.

Замин саҳоватини ошириш учун ҳамиша изланиш, янгиликка интилиш раисга хос хислат. Шу боисдан у етакчилик қилиб келаётган хўжалик тобора юксак марраларни забт этмоқда. Шу боисдан ерга меҳр қўйган Миразиз аканинг меҳнати юксак баҳоланмоқда. Энди унинг қўша-қўша нишонлари ёнида қаҳрамонлик Олтин юлдузи порлайдиган бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзиматовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

✦ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтидаги 1-пойабзал фабрикасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олмоқда. Унда фаол қатнашаётган 3-цехнинг Нурия Агалтинова раҳбарлик қилаётган бригадаси смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқда. Бригадир эса шу кунларда йилнинг сўнгги ойи ҳисобига ишлаяпти.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

АРАЛАШ ЭКИШНИНГ ХОСИЯТИ

● БЕКОБОД районидаги «Партия XXV съезди» совхозида янги озуқа экилиб бўлди. 250 гектар майдонга беда билан судан ўти аралаш экилди.

Бундай экиш хўжаликка катта наф келтирмоқда. Аввал бу ерда судан ўти ўриб олинади. Бу ўт ғоятда серҳосил бўлиб гектар бошига 300—400 центнердан бачки олиш мўлжалланмоқда.

Бекобод районининг хўжаликларида озуқа экинларини аралаш қилиб экиш кенг кўламда қўлланилмоқда. «Далаварзин» совхозида битта далага беда билан жўхори экилди, энди мўл пичан ва силос масса олиш мўлжалланиб турилибди. Район хўжаликларида аралаш экин майдонлари жами 1,7 минг гектарни эгаллади.

(ЎзТАГ).

БИР КУНДА ИККИ НОРМА

ТОШКЕНТДАГИ «Қизил тонг» тикувчилик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тикувчиси Н. Сафронова 17 апрель куни икки смена топшириғини бажаришга қарор қилди. Моҳир тикувчининг юксак маҳорат ва малакага эга эканлиги бундай мажбуриятни ўз зиммасига олиши учун замин бўлиб хизмат қилди. «Универсал тикувчи» Н. Сафронова потокда ҳар қандай операцияни бажара олади, ёш ишчиларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзади. У иш вақтидан моҳирлик билан фойдаланиши пландан ташқари деталлар ишлаб чиқаришда ғоят қўл келмоқда. М. Сафронованинг дугоналари тикувчи М. Минорова ва бичиқчи С. Иноновнинг шанбаликда худди шундай юксак суръатлар билан ишлайдилар.

Корхонанинг 1400 дан кўпроқ меҳнаткаши шу куни ўз иш жойларини эгаллайди. Уларнинг ҳар бири ҳозиргидаёқ меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини қидириб топмоқдалар. Шанбалик куни ишлаб чиқарилган ҳар икки буюмнинг бири Сифат белгиси билан чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ҒОЗЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Калинин район матлубот жамиятининг хўжалик ҳисобидаги «Хасково» қорамол бўрдоқичилик хўжалиги ташкил қилинганига унча кўп бўлгани йўқ. Бу ерда ҳашар йўли билан 25 иш кунида юз минг товуққа мўлжалланган 10 та паррандахона қуриб битказилди. Инкубаторияда жўжа очирилиб, товуқлар 100 мингтага етказилди. Қорамолни сўқимга боқиш йўлга қўйилди.

Уч йилдирки, хўжалик чорвадорлари меҳнаткашлар ни чорва маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, паррандачиликка жиддий эътибор берилмоқда.

Ўтган йили хўжаликда 500 бош қорамол, 600 та қўй бўрдоқига қўйилган эди. Моллар бир кеча-кундузда 800—1000 граммга семиртирилди. Шу туфайли хўжалик аҳоли дастурхонига 319 тонна қорамол ҳамда 131 тонна парранда гўшти етказиб берди. 1980 йилга нисбатан маҳсулот етиштириш уч баравар ошди. Бу ютуққа илғор чорвадорлардан Р. Муратова, Г. Бижигитова ва бошқалар, айниқса, катта ҳисса қўшдилар.

Бўрдоқичилик хўжалигида озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ем-хашак жамғариш учун махсус бригада ташкил қилинди. Бу бригада коллективи далаларда ҳашак жамғариш билан бир қаторда овқат қолдиқлари, сабзавот чиқиндиларини ҳам тўплайди.

Коллектив муваффақиятлари «Центросоюз» давлат ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда Фахрий дипломи билан тақдирланди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилидаги намунали ишлари учун хўжалик коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлди.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

Калинин район партия комитети қарори билан бўрдоқичилик хўжалигида ғозчилик ҳам ташкил қилинди. Паррандахоналар ғоз боқишга мослаштирилиб жиҳозланди.

Краснодарлик дўстлар «Хасково»га итальян навли зотдор оқ ғоз тухумидан 10 минг донасини жўнатдилар. Ғоз тухуми инкубаторияда очирилди, биринчи марта 5 минг ғоз жўжаси олишга эришилди. Ёш ғозлар авайлаб боқилди. Ғозлар 8 ойда тухумга кирди. Улардан 20 минг тухум олинди. 6 минг ғоз жўжаси очирилди. Ёш ғозларни чўмилиши учун ҳовузчалар қурилди.

«Хасково»ликларнинг бу тажрибаси областимиз шароитида ҳам ғозчиликни ривожлантириш имкониятлари борлигини кўрсатяпти.

Технологияга риоя қилиниб, ёш ғозлар яхши парвариш қилинса, қўкатларга тўйдирилиб, сувда кўпроқ сузиши таъминланса, улар тез ривожланиб 5 ой мобайнида ҳар бирининг вазни 5—7 килограммгача ортади. Бу гўшт етиштиришни кўпайтиришда катта резервдир. Шунинг учун бўрдоқичилик хўжалиги коллективи йилнинг охиригача ғозлар сонини 100 мингтага етказишга қарор қилди.

Бўрдоқичилик хўжалигида янги тармоқ йўлга қўйилиши муносабати билан қурилиш ишлари ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Яқин пайт ичида ғозлар боқиладиган янги паррандахоналар қад кўтаради. Область ва район сув хўжалиги бошқармалари қўлни тозалаб, ғоз боқишга мослаштиришга киришдилар. Бу ерда барпо этиладиган янги объектлар лойиҳаси тайёрланмоқда, ускуналар келтириляпти.

— Хўжалигимизда 40 гектарлик табиий кўл бор. Ғозлар кўкат билан сувга ўч, улар чўмилиб тез ривожланади,— дейди ёрдамчи хўжалик директори А. Абдуғаниев.— Биз мавжуд кўлдан самарали фойдаланамиз, ғозларни кўлда боқиб, очиқ ҳавода парваришлаб, тез ривожланишини таъминлаймиз.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЁШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАР СЛЁТИ

Ўзбекистоннинг маккажўхори даласи йил сайин кенгайиб каҳрабо дон ҳосили кўпайиб бормоқда. КПСС XXVI съезди ва Леонид Ильич Брежневнинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқларидан руҳланган ёш деҳқонлар бу ишга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

Ёш маккажўхорикорларнинг 13 март куни Тошкентда бўлиб ўтган слёти юксак марраларга эришиш конкрет йўлларини муҳокама қилди. Ўзбекистон Комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов докладида, маккажўхори етиштириш илғорлари ва новаторларининг нутқларида ёш маккажўхорикорлар самарали, ижодий меҳнат қилиш учун ҳамма имкониятларга эга эканликлари айтилди. Индустрия қишлоққа берган кучли машина-ускуналар, илм-фаннинг энг янги ютуқлари улар ихтиёридадир.

Улар беш йилликнинг биринчи йилида пахта, дон, сабзавот, ҳўл мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришга анча ҳисса қўшдилар. «Дала маликаси» ёш деҳқонларнинг ғамхўрликларига жавобан мўл ҳосил берди. Ўзбекистон комсомоли маккажўхорикорликни оталиққа олганига мана тўққиз йил бўлди. Шу вақт ичида етиштирилган маккажўхори дони қарийб беш баравар кўпайди.

Қашқадарё область «Қорабоғ» совхози комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи З. Пардаева, Самарқанд область Ургут районидаги Энгельс номли колхозидан Ленин комсомоли мукофотининг лауреати З. Алиқулова, Тошкент областидаги «Назарбек» совхозининг бригадири Т. Арслонов, маккажўхори етиштиришнинг бошқа кўп миришкорлари ишга ижодий муносабатда бўлиш, фидокорона ишлаш намуналарини кўрсатдилар.

413 бригада гектар бошига юз центнердан ҳосил кўтарди! Кўпгина коллективларнинг тажрибаси кўрсатганидек, бу марра суғорма деҳқончилик шароитида чегара эмас.

Улар қилган меҳнатнинг натижалари — барча ёш деҳқонлар учун яққол ёқабодир. Маккажўхори парваришининг индустриал технологиясини, меҳнатни илғор усулда ташкил этишни диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Ўтган йил якунларининг анализи илғорларнинг натижаларидан ҳамма фойдалана олиши мумкинлигидан далолат беради.

Бу йил маккажўхори даласи кенгайиб, 300 минг гектарга етади. Фақат маккажўхори етиштириш билан шуғулланувчи янги 19 совхоз барпо этилиши айниқса муҳим воқеа бўлди. Маккажўхорикорлар ихтиёридаги ресурслар ҳам кўпаймоқда. Эндиги иш — ёш деҳқонлар зиммасидадир. Слёт қатнашчилари беш йилликнинг иккинчи йилига мўлжалланган юксак марраларни эгаллашга муносиб ҳисса қўшиб, 1,6 миллион тонна маккажўхори дони етиштиришга тайёр эканликлари тўғрисида гапирдилар.

Кўпгина ёш маккажўхорикорлар зиммаларига ошириладиган мажбуриятлар олдидаги Слёт қатнашчилари барча маккажўхорикорларга мурожаат этиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлашга чақирдилар.

Слётда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. Айтмуротов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов слёт ишида қатнашди.

Беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган мусобақанинг ғолиблари бўлган бир қанча комсомол комитетларига ва ишлаб чиқариш коллективларига танланали вазиятда Қизил байроқлар топширилди. Энг яхши маккажўхорикорлар мукофотлар билан тақдирланди. (ЎзТАГ).

КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР

ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Кампучияда республиканинг иқтисодий тикланишини таъминлаш лозим бўлган транспорт қурилиши программаси муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Пол-потчилар режимидан халос бўлгандан кейин ўтган уч йил мобайнида қаттиқ қопламали 180 километр йўл ремонт қилинди. Бу 760 минг тоннадан кўп ҳар хил халқ хўжалик юклари ва 1 миллиондан кўп йўловчини автомобиль транспортида ташишга имкон берди.

Республиканинг темирйўлчилари ҳам катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Ремонт бригадалари 211 километр темир йўлни фойдаланишга топширди. Асосий темир йўл магистрали бўлмиш Пномпень—Баттамбанг йўлида йигирмата вокзал тикланди. Озодликка эришилгандан сўнг ўтган йиллар мобайнида 275 минг тонна юк пўлат излар орқали ташилди.

Ж. МАРШЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. Франция Коммунистик партияси Бош секретари Жорж Марше «Европа-1» радиостанцияси программаси орқали сўзлаган нутқида бундай деди: Франция қуролсизланиш учун курашда самарали роль ўйнаши, халқаро кескинлик юмшатилишига кўмаклашиши, «совуқ уруш»ни тиклаш йўлига қарши туриши керак.

Сўл кучлар ҳукумати программасининг қандай бажарилаётганлигига тўхталиб, у ҳукмрон коалициянинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги тадбирларни саботаж қилаётган корхона эгалари сиёсатини қаттиқ танқид қилди.

Корхоналар эгалари, деди у, меҳнаткашлар ҳарид қувватини кўпайтиришга, иш билан таъминлашга, корхоналарни бошқаришда ишчиларнинг қатнашуви ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган тадбирларга ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилмоқда.

(ТАСС).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

„ДРУЖБА-82“ МАШҚЛАРИ

ПАП агентлигининг хабар беришича, 13 мартдан 20 мартгача Халқ Польшасининг шимоли-ғарбий қисмида иттифоқчи армияларнинг «Дружба-82» шиори остида планли оператив-тактик машқлари ўтказилади.

Машқларда Совет Армияси, ГДР Миллий халқ армияси ва Польша Халқ қўшинларининг ҳарбий қисмлари иштирок этадилар.

Машқларга ПХР миллий мудофаа министрининг ўринбосари, Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар Бирлашган Қуролли кучлари қўмондонининг ўринбосари броня генерали Э. Мольчик раҳбарлик қилмоқда.

(ТАСС).

✦ ЧССР. Хрудим шаҳридаги «Транспорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси лентали транспортёрлар, лифтлар, эскалаторлар, омбор асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради. Мана 30 йилдан буён бу корхона йирик совет заказларини бажариб келади. Суратда: бирлашманинг янги маҳсулоти — юк ортувчи транспортёр. У Париждаги Автосалонда иккита олтин медалга сазовор бўлди.

ШТК—ТАСС фотоси.

МРБнинг МАҲФИЙ ОПЕРАЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК. 15 март. (ТАСС). АҚШ Марказий разведка бошқармаси Никарагуа қонуний ҳукуматини заифлаштиришга қаратилган кенг кўламдаги маҳфий операцияни амалга оширмоқда. АҚШ давлат секретарининг Америка мамлакатлариаро ишлар билан шуғулланувчи ёрдамчиси Т. Эндерснинг сенат ҳамда вакиллар палатасининг разведка бўйича махсус комиссиялари аъзолари ҳузурида сўзлаган нутқи буни яна бир бор тасдиқлади, деб ёзади «Нейшн» журнали. Т. Эндерс Гондурасдаги базалардан Никарагуага қарши қуролли хуружлар қилиб турган Сомоса миллий гвардияси собиқ аъзоларини марказий разведка бошқармаси маҳфий равишда ўқитиб, ўргатмоқда, пул ва қурол-яроғлар билан таъминламоқда, деб тўғридан-тўғри айтди. МРБнинг шу операциясидан кузатилган мақсад, деди Эндерс, миллий гвардиянинг собиқ аъзолари, шунингдек АҚШдаги муҳожирлар гуруҳлари ёрдамида Никарагуада тартибсизликлар чиқаришдан иборатдир.

Журналнинг далолат бериб ёзишича, суверен Никарагуа территориясида террорчилик хуружларини тайёрлаш ва ўтказишда Флоридадаги махсус лагерларда тайёргарлик кўрган кубалик муҳожир муртадларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Сомосачиларнинг, Америкада таълим олган кубалик контрреволюционерларнинг террорчилик хуружлари Никарагуа армиясини жавоб чоралари кўришга мажбур этишга қаратилгандир-бу ҳол чет эл ҳарбий интервенцияси учун бир баҳона бўлур эди, деб ёзади «Нейшн» журнали.

ЯНГИ МУДҲИШ ЖИНОЯТ

НЬЮ-ЙОРК. Гватемала режимининг янги мудҳиш жиноят қилганлиги маълум бўлди. «Ўлумий сайлов» деб аталмиш сайлов арафасида тонг отар пайтда Потреро-Вьехо қишлоғи аҳолиси автоматлардан отилган ўқ садоларидан уйғонди. Қотиллар индиецларнинг уйларига бостириб кириб уй эгаларини милтиқларнинг қўндоқлари билан уриб кўчага ҳайдадилар. Солдатлар қуролсиз кишиларга қараб ўт очдилар. Шу куни эрталаб Потреро-Вьехода ва Кичи департаментининг шимоли-ғарбий аҳоли пунктларида яшовчи Майя-Кичи қабиласига мансуб гватемалалик индиецлардан 200 га яқин киши отиб ташланди ва шундан кейин бошлари кесилди. Эн-Би-Си телевизион компанияси Гватемала газеталарига асосланиб, шу қонли жиноят ҳақида хабар берди.

Вашингтоннинг сценарийсига мувофиқ ўтказилган «сайлов» арафасида Гватемала маъмурлари сайловчиларнинг иштирок этмаслигидан кўрқиб «сайлов участкаларига келмаган тақдирда жуда қаттиқ чоралар кўриш» билан қўрқитиш кампанияси-ни авж олдирдилар. Қўзғолончилар айниқса актив ҳаракат қилаётган Кичи департаментида эса солдатлар асосан қариялар, хотин-қизлар, болаларни ёппасига отиб ташладилар.

(ТАСС).

ТЎНТАРИШГА УРИНИШ БАРБОД БЎЛДИ

ГААГА. Суринам элчихонаси вакилининг бу ерда маълум қилишича, мана шу Жанубий Америка мамлакатида тўнтаришга уриниш барбод бўлди. Исён кўтарганларнинг бошлиқларидан бири сержант У. Хокер ярадор бўлди ва қамоққа олинди. Мамлакатни миллий ҳарбий кенгаш тўла назорат қилиб турибди.

Голландия ахборот агентлигининг мухбири Хокернинг телевидение орқали қўзғолончиларга мурожаат қилиб, бундан кейин қон тўкилишининг олдини олиш учун таслим бўлишга чақирганлигини таъкидлади. У барбод бўлган тўнтаришнинг яна бир раҳбари лейтенант С. Рамбокуса мурожаат қилди. У ўз тарафдорларининг бир қисми билан пойтахт казармаларидан бирига жойлашиб олган эди.

Исён 12 мартда бошланди. Ҳарбий хизматчилар ва полиция қисмларидан иборат исёнчилар номидан Рамбокус «миллий озодлик кенгаши» тузилганлигини билдирди ва аҳолини «мамлакатни коммунизмдан ҳалос қилиш учун кўмаклашишга» чақирди.

Бу ерда олиб борилаётган маълумотларга қараганда, қўзғолончиларнинг қаршилиги батамом бартараф этилган эмас, шаҳарда отишмалар давом этмоқда.

ПАРИЖ. «Матен» газетаси Гаагадаги сиёсий кузатувчиларга суяниб хабар қилишича, АҚШ шу тўнтаришга уришишдан сал олдин ўзининг Суринамдаги элчихонаси ходимлари сонини кўпайтирган.

(ТАСС).

КИТОБ жавонингиздан

«ҚУДРАТЛИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ»

● НЕФТЬ ва газнинг жаҳон экономикасида тутган ўрни ошиб кетди. Шунинг учун ҳам кишилар нефтни «қора олтин», газни «зангори олов» деб эзозламоқдалар.

О. Жўрақуловнинг мазкур қўлланмасида КПСС раҳбарлигида Урта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда қудратли саноатнинг вужудга келиши, мамлакат экономикаси ва халқ турмушининг юксалишида нефть ва газнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. У педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари, мактаб ўқувчилари ҳамда Совет Ўзбекистони тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

«ХИМИЯДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР»

● Х. ТУХТАШЕВ ва А. Аловиддинов ҳамкорликда ёзган қўлланма олий ўқув юртлари тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, унда ўрта мактаб химия курсининг энг муҳим бўлимларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган қисқача назарий маълумот, мисол ва масалаларни ечиш усуллари, тажрибалар ҳамда уларни баҳариш тартиби, мустақил ишлаш учун саволлар берилган.

«ИНТЕГРАЛ ҲИСОБ КУРСИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР»

● ЖАЗКУР ўқув қўлланма техника олий ўқув юртлари олий математика курси программасининг «Интеграл ҳисоб» бўлимига мослаб ёзилган. Э. Ф. Файзибоев ва Н. М. Цирлиракисларнинг китобидаги ҳар қайси бобда қисқача назарий маълумот баён қилинган ва масалалар ечимлари ҳамда методик кўрсатмалари билан берилган.

«МЕТАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ ВА КЕСИШ»

● В. М. РИКАКОВ ёзган мазкур китобда металларни электр ёй билан ва газ алангасида пайвандлаш, суюқлантириб қоплаш ҳамда кесишда қўлланиладиган жиҳозлар, асбоблар, мосламалар ва материаллар ҳақида маълумотлар берилган. Углеродли ва легирланган пўлатлар, чўян, рангли металлар ҳамда қотишмаларни пайвандлаш технологияси ва техникасининг асосий масалалари ёритилган. Шунингдек, пайвандлаш ишларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда хавфсизлик техникаси масалалари қисқача баён қилинган.

«БОЛАЛАР ТАЛАФФУЗИДАГИ НУҚСОНЛАРНИ ТУЗАТИШ»

● БОЛАЛАРНИНГ ҳар томонлама камол топишида тўғри нутқнинг ривожланиши жуда катта аҳамиятга эга. Ота-оналар тарбиячилар, ўқитувчилар болаларнинг ёшлик чоғидан бошлаб товушларни тўғри талаффуз этишларига эътибор беришлари ва улар нутқида учраган камчиликларни ўз вақтида олдини олишлари зарур.

Болада тўғри нутқни тарбиялашда боғча ходимлари, поликлиника ва мактаб логоподлари ўзларининг қийин ва кўп қиррали фаолиятларида тавсия этилаётган қўлланмадан фойдаланишлари мумкин. Китоб авторлари Р. Шомаҳмудова ва Л. Мўминовалардир.

Мазкур қўлланмалар «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди.

АФСУНМИ? ЙЎҚ, МАҲОРАТ!

ЦИРК

ШУ кунларда Тошкент Давлат циркида сеҳргар иштирокида ажойиб эртак томошалари кўрсатилмоқда. Қувноқ, ниҳоятда топқирлик билан тайёрланган бу эртак ижодкори ва ижрочиси РСФСР ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист, машҳур иллюзионист—кўз бойлоқчи Эмиль Киодир.

Маълумки, ҳар бир эртак сирли ва номаълум воқеаларга бой бўлади. Биз машҳур кўз бойлоқчининг сирларидан биттасини ечиш мақсадида саҳна ортига ўтдик. Тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Ассистентлар сирли яшчиклар ва кубикларни тайёрлашмоқда. Масхарабоз Василий Трофимов бурнини қизилга бўяб саҳнага чиқишга сўнгги бор ҳозирлик кўряпти. Жонглёрлар — Борис Евграфов ва Игорь Агороновлар грим қилиб бўлишган. Мана, ниҳоят кафасда ғозни келтиришди. Қизиқ, уни нимага айлантириб қўйишаркин? Яна бир неча дақиқадан сўнг саҳнада сеҳргар Эмиль Кио пайдо бўлади.

— Мен бу даражага, халқни «алдайдиган» сеҳргар бўлишга қандай қилиб етишганлигим ҳақида кўп сўрашади, — дейди кулимсираб Кио. — Бунинг учун иллюзия жанрининг ривожланиш тарихига қизиқарли саёҳат қилишга тўғри келади.

Эмиль Кио фокусчилар ўртасида манипуляторлар, иллюзионистлар ва афсунгарлар борлиги ҳақида гапириб берди. Машҳур династиянинг асосчиси—унинг отаси Эмиль Теодорович Кио — дастлаб афсунгарлик билан шуғулланди. Иллюзионистлар кишилар, йирик ҳайвонлар билан ишлашади. Манипуляторлар эса кичик предметлар билан. Афсунгарлар санъати ўзига хос. Улар ўткир шишалар устига ётишар, қиличларни ютишар, илонларни турли хил хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур этишар, хуллас томошабинларни ҳайратга солишга интилишар эди.

Эмиль Теодорович афсунгарликнинг ўтмишда таркиб топган усулларидан воз кечди. У шарқ афсунгарининг тўнини фракка алмаштирди. 20-йилларда цирк санъати тарихига биринчи бўлиб масхарабозларнинг иллюзия жанрини ва ҳатто сиёсий сатирани киритди.

Циркдаги фаолияти мобайнида катта Эмиль Кио 9 та программани тузди. У ўз труппаси билан Германия Демократик Республикасида, Мексика, Япония ва Германия Федератив Республикаси, Голландия ва бошқа кўпгина мамлакатларда бўлди, шон-шуҳратга бурканди.

Кионинг ўғиллари Игорь ва Эмиль ёшлик пайтларидан бери циркда. Эмиль Кио мактабни тугатгандан сўнг қурувчи-инженер бўлишга аҳд қилди. Институтга ўқишга кирди. У ўзи топширган имтиҳонлардан бирини кулимсираб эслайди. «Бизнинг хабаримиз бор. Сизнинг оила аъзоларингиз циркда ишлашади. Сиз ҳам, шубҳасиз, фокуслар кўрсата олсангиз керак? Биринчи сонли билетни топишга бир урининг кўрмайсизми», — сўради имтиҳон олаётгандан бири. Эмиль ишонч билан ҳаммани ҳайратда қолдириб биринчи билетни олиб кўрсатди. Бу воқеа, гапнинг очиғи, тасодифан рўй берган эди.

Эмиль Кио институтда яхши ўқиди. Ўз ихтисоси бўйича фанларни мукаммал ўзлаштириб олди. Рязань шаҳридаги майдонлардан бири унинг лойиҳаси асосида қурилди. Ёш инженернинг мазкур иши юксак баҳоланган.

Бироқ, циркка бўлган қизиқиш, меҳр-муҳаббат ҳамма нарсадан устунлик қилди. У катта саҳнага қайтди. Эндиликда бутун дунёда икки Кио —Игорь ва Эмиль машҳур.

СУРАТДА: Эмиль Кио манежда.
Н. Муҳаммаджонов ва С. Маҳкамов фотоси.

...Масхарабоз Василий Трофимов ўзининг тўрт ойқли дўсти Федя билан бирга саҳнага чиқди. Олапар Федя масхарабознинг илтимосига биноан саҳнада рақс тушади, «ўлади», елкасида, кафтида ўтиради ва турли хил кулгили сакрашларни қилади.

Саҳнага болаларнинг кубигидан катта сеҳрли кубикларни олиб чиқишади. Кио уларни устма-уст териб чиқади. Натижада унча баланд бўлмаган «шкаф» пайдо бўлади. Шкафнинг эшиклари ланг очилди. Мўъжиза рўй берди. Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида шкафдан бир қиз чиқиб келди. Худди ҳақиқий эртакдаги сингари бирин-кетин мўъжизалар рўй бера бошлади. Бу саҳна номерларини тайёрлаш учун Кио қанчалик катта ва оғир, машаққатли меҳнат қилганидан томошабинлар хабарсиз эди. Бу программада оз эмас — 50 дан зиёд ассистентлар иштирок этишади. Улар Эмиль Киога қувноқ ажойиботларни ижод қилишда ёрдам кўрсатадилар.

Ҳар бир номер ўзига хос тарзда сирли тайёрланади. Уларни ечишга, олдиндан бўладиган воқеани топишга ҳарчанд уринманг, барибир бефойда. Саҳнада тик яшчиклар пайдо бўлади. Кио икки кишини ёрдамга чақиради. Яшчиклнинг ичига ёрдамчи аёллардан бири кириб олади ва эшик яхшилаб мустаҳкамлаб беркитилади. Ён томондан ёрдамчи аёл қўлини чиқариб туради. Ҳалиги икки киши эшикни очади. Шу пайт яшчиклнинг ичидан масхарабоз чиқиб келади.

Яшчиклар билан яна бир фокус. Бу номерни Эмиль уч ёшлигида кўрган эди. Отаси циркда онасини арралаётганда биринчи қаторда ўтирган эди. Ҳамма хурсандчиликдан хахолаб кулар, Эмиль эса нима қилишини билмай чопиб бориб отасини тўхтатиб қолди. Эндиликда у бу номерни ўз хотини билан ижро этмоқда.

Саҳнада рўй берадиган ҳамма ажойиботларни айтиб охирига етиб бўлмайди. Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

КИТОБХОНЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Тошкентдаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида мунтазам равишда оммавий тадбирлар ўтказиб турилибди. Айниқса, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди материаллари асосида сермазмун стендлар ташкил этилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш», «Қўриқ», «Кичик ер», «Эсдаликлар» асарларидаги гояларни кенг китобхонларга етказиш мақсадида бу ерда ўтказилган конференция кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Кутубхона республикамиздаги бошқа масканлар учун 50 дан ортиқ қўлланма ва тавсиялар тортиқ қилди.

Зиё масканидаги илмий методик бўлим қошида кутубхоначилар тўғараги ташкил этилган бўлиб, бу ерда ўзаро тажриба алмашиш борасида машғулотлар ўтказиляпти. Кейинги вақтда Киев, Улан-Уде, Қараганда, Ворошиловград шаҳарлари кутубхоналарининг иш услуби ўрганилди. Ўзига хос тажриба мактабига айланиб қолган тўғарак қатнашчиларининг тинмай изланиши натижасида қувончли натижалар қўлга киритилаяпти.

Айниқса, Алишер Навоий нинг 541 йиллиги ва Нозим Ҳикмат юбилейига бағишланган китоб кўргазмаларига кенг китобхонлар жалб этилди. Максим Горький номидаги республика рус драма театри артистлари билан бўлган учрашув ҳам мароқли бўлди.

— Ҳозир коллективимиз СССРнинг 60 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда, — дейди кутубхона директорининг ўринбосари З. Насриддинов. — яқин кунлар ичида «Адресимиз — Совет Иттифоқи» деб номланган методик қўлланма тайёрланмоқда. Ана шу санага бағишлаб республикамизнинг барча кутубхоналари учун «СССР — менинг Ватаним» мавзусидаги китоб кўргазмалари очилади.

Кутубхонада йил охиригача «Мутахассис кунлари», «Библиографик обзорлар», оғзаки журнал ва суҳбатлар ўтказиш шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллигига бағишлаб «Тошкентнинг илгариги ва ҳозирги қиёфаси» темасида конференция ташкил этиш планлаштирилган.

Зиёнларнинг бугунги кунда 39 минг аъзоси бор. Ўтган йилнинг ўзида 124 минг 313 нусхада китоблар келтирилди ва умумий китоб фонди 4 миллион нусхадан ошиб кетди.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.



✦ ЧИРЧИҚ шаҳридаги 13-ҳунар-техника билим юртти коллективи шу йил ўқув даргоҳининг 40 йиллигини нишонлади. «Узбекхиммаш» заводи қошида ташкил этилган ҳунар масканида ҳозир 700 нафардан зиёд талаба касб эгалламоқда. Суратда: билим юрти ўқувчилари машғулот пайтида. Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МИННАТДОРМИЗ

Инсон ўз меҳнати билан обрў қозонади. Эл ҳурматига, ташаккурга сазовор бўлади. Чилонзор район 16-шаҳар поликлиникасининг «Маданият» маҳалласидаги филиалида кишилар саломатлиги йўлида тинмай хизмат қилаётган врач Муҳаррамхон Юнусова ва медицина ҳамширалари Мунаввар Қозоқбоева, Жўрахон Рустамовалар ана шундай нажоткорлардандир. Уларнинг меҳнатидан бутун маҳалла аҳли миннатдор. Айниқса, биз Улуғ Ватан уруши ногиронларидан ва қатнашчилари бу шифокорларни жуда ҳурмат қиламиз. Улар кечани-кеча, кундузи-кундуз демай бизнинг хизматимизда бўлишмоқда. Ширин сўзлари, дори-дармонлари билан дардимизга малҳам бўлаяптилар.

Шундай тинч, фаровон замонамизда халқимиз доимо соғлом бўлиши учун жонфидолик билан хизмат қилаётган саломатлик посбонлари — оқ халатли шифокорларга миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Маҳалла аҳли номидан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари:

М. ЭШМУРОДОВ, М. АЛИМОВ, М. СОЛИЕВ ва Ш. ДЎСТМУҲАМЕДОВЛАР.

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Байрамлардагидек безатилган фойеда пионерлар ветеранларни гулдасталар билан кутиб олишди. Бу ерга тўпланганлар орасида кўксини орден ва медаллар безаган новаторлар ҳам анчагина. Уларнинг кўпчилиги мураббийлар. Ҳар бири ўз меҳнат фаолияти давомида тўрт-беш нафардан шогирд тарбиялаб, обрў-эътибор топган кишилар. Бугунги кеча ана шу ҳурматга сазовор ишчиларнинг ҳаёт йўлини шарафлашга бағишланган. Деворлардаги чиройли безатилган «Корхонамиз — фахримиз», «Ветеранлар иззатда», «Менинг муносиб ўринбосарларим», каби ўнга яқин стендлар ҳам уларнинг жўшқин таржимаи ҳоли ҳақида ҳикоя қилади.

Маданият саройининг бадиий раҳбари Шариф Жанайдаров йиғилганларни ичкарига таклиф этади ва кўп ўтмай «Мураббийлар ва шогирдлар» кечасини очиқ деб эълон қилади.

Шу куни корхонанинг ҳар бир цехидан сўзга чиққан устозларнинг юрак сўзларини кеча иштирокчилари мароқ билан тингладилар. Айниқса, Улуғ Ватан урушининг оғир кунларида бор-лиқ-йўқликка қаноат қилиб дастпоҳ ёнида тинимсиз ишлаганлар сўзи таъсирли бўлди. Фидокор кишиларга чексиз меҳр, уларнинг шонли меҳнат анъаналарини давом эттириш туйғуси ёшлар қалбида жўш урарди.

Учрашув тугагач ҳеч ким ўрнидан қимирламади. Ҳамма Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Парвоз» ашула ва рақс ансамблининг чиқишини орзиқиб кутарди. Чунки, бу иноқ коллектив репертуарида кексалар учун ҳам, ёшлар учун ҳам мос бўлган роҳатбахш қўшиқлар кўп эди. Ансамблда кундузи станоклар ёнида ишини сидқидилдан бажариб, оқшомлари маданият саройида қўшиқ куйлайдиган, доира чаладиган ёки аккордионда ўйнай оладиган ўнлаб миллат вакиллари ишчи-ёшлар кўпчиликни ташкил қилганлиги айниқса қувонарли. Буларнинг ҳаммаси муассасада ишнинг қизиқарли ташкил этилганлиги самарасидир.

— Ҳақиқатан шундай, — дейди бадиий раҳбар. — Шу кунларда бу кошонамизда 16 тўгарак ишлаб турибди. Кейинги йиллар ичида ўзбек қўшиқлари ва рақслари, доирачилар ансамбли, тасвирий санъат клуби, саккиз синф ҳажмида профессионал маълумот берадиган музика мактаби, қўғирчоқ театри, «Чебурашка» кичкинтойлар клуби коллективларининг чиқишлари мураффақиятли бўлмоқда.

Бу тўгаракларга М. Маъмиров, М. Ҳамдамов, Ҳ. Носиров, С. Шарипов сингари ўз соҳасини яхши билган мутахассислар раҳбарлик қилмоқдалар. Махсус координацион Совет эса коллективлар ишини бир йилга мўлжаллаб тузиб олинган план асосида олиб бораётир.

Ўтган йили Соатжон Шарипов раҳбарлигидаги қўғирчоқ театри ҳаваскорлари болалар учун «Ким миёвлади?», «Тулки, қуён ва хўроз» каби спектакларни саҳналаштиришди ва уларни бирлашма ишчиларининг фарзандларига янги йил арафасида совға қилишди. Байрам кунлари бу ерда тасвирий санъат тўгараги коллективи ҳам ўз кўргазмасини намойиш этди. Расмларни кузатган киши ишчи-ҳаваскор рассомлар завод ҳаёти ва дам олиш соатлари мавзуига кўпроқ эътибор бераётганликларига, тўгарагининг ёш аъзолари эса, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари сиймосини тасвирга кўчиришга қизиқаётганликларига гувоҳ бўлади.

Ҳозирги кунда турли ёшдаги 300 нафарга яқин ёш бу даргоҳда ўзи ёқтирган санъат соҳаси бўйича шуғулланмоқда.

Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари спорт тўгаракларида, тикувчилик ва тўқувчилик курсларида ҳам актив иштирок этаётирлар.

Хулоса қилиб айтганда авиасозлар маданият маркази халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, ишчиларнинг савиясини ошириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида ҳавас қилса арзийдиган ишларни амалга оширмоқдалар.

М. БАДАЛОВ,
Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги
ТОШКЕНТ ГЎШТ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ЎҚУВ-КОМБИНАТИ
1982—1983 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саллоҳлар, гўштни суяқдан ажратувчилар, колбаса ишлаб чиқариш учун қийма тайёрловчилар, колбаса батонларини боғловчилар, совутиш қурилмалари бўйича мутахассислар, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мастер ёрдамчилари ва аппаратчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар.

ЎҚУВ КОМБИНАТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН 18 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 4—6 ой.

ЎҚИШГА КИРГАНЛАР ЕТОҚХОНА, ИССИҚ ОВҚАТ ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: маълумоти тўғрисида аттестат ёки справка, соғлиги тўғрисида справка (286-форма), турар-жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 4 та фотосурат, паспорт ҳамда турар-жойида жойлашган гўшт ва сут комбинатидан йўлланма.

ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАР МАХСУС МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ГУВОҲНОМА ОЛАДИЛАР.

Ҳужжатлар — қабул қилинмоқда.

ЎҚИШ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Калинин район, Ўртаовул поселкаси, ўқув-комбинати (131-автобуснинг охирги бекати).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АГРАР-САНОАТ БИРЛАШМАСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ ОБЛАСТЬ ПРАВЛЕНИЕСИ ВА

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ

15—31 МАРТ КУНЛАРИ
ташкилотлар ва корхоналар хизматчилари учун
«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ, ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ВА КОРХОНАЛАРДА ЕНГИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ» деган темада

КУРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Программа — 72 соатга белгиланган.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Ленинград кўчаси, 43-уй, техника уйи.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 21-ҳунар-техника билим юрти

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъзо баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 3 ва 1 йил.

3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: кичик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар (шофёрлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлик шаҳодатномаси ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона 3х4 см. ҳажмдаги расм, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (Тошкент шаҳридан 1, 16, 24, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот», 69, 89-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

Телевидение

16 МАРТ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.05 — Фильм-спектакль. 12.15 — Концерт. 12.55 — СССР касаба союзлари XVII съездининг очилиши. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — Концерт. 16.35 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ишчи эстафетаси. 17.25 — «Салют, пионерия». Концерт. 18.10 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.10 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 2 ва 3 даврлар. 23.05 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00. — Гимнастика. 9.20 ва 12.10 — Шахмат мактаби. 10.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 ва 12.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.15 ва 13.15 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. 13.45 — П. И. Чайковский. Йил фасллари. 14.15—Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 15.00 — Ўқитувчи экрани. Музика. 15.30 — М. Шолохов қаҳрамонлари театр саҳнасида. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.10 — Дўстларимиз чеҳраси. 20.00 — Спорт ҳафталиги. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.30 — Тунги сеанс. Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 12.30 — Адабиёт. 12.55 — Москва. СССР касаба союзлари XVII съезднинг очилиши. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 18.05 — Қизиқарли учрашувлар. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Узбекистон — Ноқоратупроққа». 1-кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.15 — Пиллачиларнинг баҳорги юмушлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.30 — Бугун оламда нима гап? 22.45 — Авлодлар. Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.15 — Телефильм. 18.35 — Реклама. 18.50 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Анъаналарнинг туғилиши. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IIда Гурунг, 17/IIда Олтин девор, 18/IIда Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IIда Ёшлинда берган кўнгил, 18/IIда Дилафрўзга тўрт ошиқ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IIда Дод, хотинлар дастидан!, 17/IIда Отилмаган ўқ, 18/IIда Тун қиссаси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети аппарати коллективи область партия комитетининг масъул ходими П. Ш. Саидова отаси

Шариф САИДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт

ФУТБОЛ

11 МЕТРЛИККА ҲОЖАТ БОРМИДИ?

«Пахтакор» — «Нефтчи» баҳсида ҳамшаҳарларимиз муҳим ғалабани қўлга киритиб, чорак финалга йўлланма олдилар. Стадиондан чиқиб кетаётган минглаб мухлислар ўз таассуротларини ўртоқлашишар, мазкур ўйинда қўшимча вақтга, ўн бир метрлик жарима тўпларига ҳожат бормиди, деган саволни ўртага ташлар эдилар.

Дарҳақиқат, ўринли эътироз, ўринли савол. СССР кубогининг нимчорак ўйини асосан пахтакорчилар устунлигида ўтди. Шунинг учун ҳам улар биричи бўлиб ҳисобни очдилар. Иккинчи таймнинг 14-минутида ҳужумчи Якубик мўлжални аниқ олди. Бундан аввал ҳам, ўйиннинг қолган вақтларида ҳам футболчиларимиз бир неча марта рақиблари дарвозасини ишғол қилишлари мумкин эди. Лекин, бошланган комбинацияларнинг изчил ниҳоясига етказмаслик ҳоллари сезилиб турди. Айниқса, ҳужумчилар Якубик ва Кабаевлар дарвозабон билан яккама-якка чиқиб қолай имкониятдан фойдалана олишмади. Бунинг устига ҳимоячи Петрушин қўпол хатога йўл қўйди. Бу хатодан меҳмонлар ўринли фойдаланиб, ҳисобни тенглаштиришди.

Ўн бир метрлик жарима тўпларини тепишда омад пахтакорчиларга кулиб боқди. Бу ерда дарвозабон Яновскийнинг маҳоратини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. У икки марта тўпни қайтара олди.

Ўтган якшанба куни яна беш шаҳарда СССР кубогининг нимчорак ўйинлари бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Искра» — «Динамо» (Мн) — 1:5, «Таврия» — «Арарат» —2:1, «Днепр» — СКА (Ростов) — 1:0, «Торпедо» — «Даугава» — 1:0, «Факел» — «Кубань» — 1:0.

Мусобақа низомига кўра чорак финалга йўлланма олган «Динамо» (Мн), «Таврия», «Днепр», «Пахтакор», «Торпедо», «Факел» командалари қаторига Киев ва Тбилисининг динамочилари қўшиладилар. Кейинги ўйинлар 20—21 март кунлари бўлиб ўтади. Рақиблар қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Р. ШЕРАЛИЕВ,

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01847. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1562. 13